

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 330.35+338 (575.1)

АЛИМАТОВ ЛАЗИЗЖОН РАСУЛ ЎҒЛИ

**Республикада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий
ислохотларнинг иқтисодий ўсишга таъсири**

5А 230103 – “Макроиқтисодиёт”

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. И.А. Якубов

Тошкент – 2019

Диссертацияда иктисодий ўсишнинг мазмун-моҳияти очиб берилган, унинг турлари ҳамда моделлари ўрганилган ҳамда иктисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар гуруҳлари таҳлил қилинган. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида иктисодий ўсишни таъминлаш йўллари ва эришилган натижалар баҳоланган.

Шунингдек, диссертацияда иктисодий ўсишни кўрсатувчи ЯИМ ҳажми, аҳоли сони, даромади, истеъмоли, пул жамғармаси ва уларни асосий капиталга инвестициялар қиритишнинг истикболда ўзгариши вариантлари прогноз қилинган.

In the thesis the essence of concept economic growth is opened, their types and models are studied, groups factors influencing it are analysed. Ways of ensuring economic growth and the reached results for years of independence in Uzbekistan are estimated.

In the thesis the forecast of options of change of volume of gross domestic product, population, the sizes of their income, final consumption, monetary accumulation and investments into fixed capital for prospect is carried also out with application econometric models.

В диссертации раскрыта сущность понятия экономического роста, изучены их виды и модели, проанализированы группы влияющие на него факторы. Оценены пути обеспечения экономического роста и достигнутые результаты за годы независимости в Узбекистане.

В диссертации также осуществлен с применением эконометрические моделей прогноз вариантов изменения объема ВВП, численность населения, размеры их доходов, конечного потребления, денежного накопления и инвестиций в основной капитал на перспективу.

Магистрлик диссертация иши “Макроиктисодиёт” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

2- сонли баённома «30» май 2019 йил

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. И.А.Якубов И.А.Якубов «30» 05 2019 йил

Магистрант: Л.Р.Алиматов Л.Р.Алиматов «30» 05 2019 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1-БОБ. ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	8
1.1. Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмуни ва уни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсадлар.....	8
1.2. Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар пировардида иқтисодий ўсиш ва унинг кўрсаткичлари, турлари ҳамда омиллари.....	17
1.3. Иқтисодий ўсишнинг неокейнсча ва неоклассик моделлари.....	26
1-боб бўйича хулосалар.....	34
2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ ТАҲЛИЛИ.....	36
2.1. Аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ва уларнинг натижалари таҳлили.....	36
2.2. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича амалага оширилган ислоҳотлар таҳлили.....	43
2.3. Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг иқтисодий ўсишга таъсири таҳлили.....	50
2-боб бўйича хулосалар.....	58
3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	60
3.1. Иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш борасида Давлат ислоҳотларининг устувор вазифалари.....	60
3.2. Иқтисодий ўсиш барқарорлиги ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ислоҳотлари самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирлари.....	65
3.3. Ислоҳотларнинг замонавий босқичида барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш истиқболлари.....	72
3-боб бўйича хулосалар.....	77
ХУЛОСА.....	78
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	80

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва долзарблиги. Кейинги икки йил давомида мамлакатимизда мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга кўтариш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар туфайли барча жабҳада туб ўзгаришлар рўй бермоқда, халқимизнинг дунёқараши, онгу тафаккури юксалмоқда. Жамиятимизда янгича қадрият ва анъаналар шаклланимоқда. Шу билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Ўзбекистон иқтисодиётини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлади¹. Стратегияда “Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт – шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида” Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида эришилган иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишга қаратилган узоқ муддатли барқарор ривожланишни рағбатлантириш чора – тадбирлари белгиланган.

Ушбу мақсадга эришиш учун тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясида 2017-2021 йилларда иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокни камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мақсадини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва

¹ “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон 70-модда.